

ТАШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 3 (10.812)

Баҳоси эркин нарҳда

2007 йил, 5 январь, жума

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрда қабул қилинган «2007 йилда қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Жиззах вилоятидаги олти ширкат хўжалигида тендер савдолари ўтказилди.

●Ўзбекистон Бадий академиясининг Тошкент фотосуратлар уйида очилган кўргазма «Кимоно» деб номланди. Кўргазмадаги ҳар бир асарда Кунчиклар мамлакатининг ўзига хос ҳаёт тарзи, табиати, урф-одат ва анъаналари ўз аксини топган.

●Қашқадарё вилоятидаги ҳарбий бўлинмада сафарбарлик қақури резерви хизматида жалб этилган аскарлар қасамд қабул қилди. Маросимда ҳарбийлар, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

●Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мактаблар ўртасида «Республика умумтаълим мактаблари театри» танлови ўтказилди.

●Фузур туманидаги қишлоқ шифокорлик пунктлари сони яна биттага кўпайди. «Фузур» хўжалиги қўйчивонлари истиқомат қилаётган Жонқара қишлоғи аҳолиси учун 107 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами билан янги қишлоқ врачлик пункти қурилди.

●Ҳомийлар ва шифокорлар йилда «ЭКО-САН» халқаро ташкилот кўмағида «Энг мурувватли қўшни» шиори остида «Кўшни-қўшниси!» кўрик-танлови эълон қилинган. Танловнинг Фарғона вилоят босқичида «Монитор» хусусий шифохонаси раҳбари Акромжон Қодиров ғолиб деб топилди.

●Хитойнинг нефть ва газни қидириш ҳамда қайта ишлаш миллий корпорацияси Ўзбекистонда ўзининг шўба корхонасини очди. Республикада фаолиятини бошлаган корпорациянинг шўба корхонаси 2007 йилда мамлакатимиз ҳудудида нефть ва газни қидириш ва қазиларни олиб боради. Бу юмушларга 25 миллион доллар сарфланади.

●Тошкентда олий ўқув юртлири талабалари ўртасида «Ўзбекистон ва Қозғистоннинг кўп асрлик дўстлиги: тарих ва замонавийлик» мавзусида Қозғистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан энг яхши реферат танлови ўтказилди. Танлов ғолиблари қимматбаҳо совғалар ва махсус дипломлар билан тақдирланди.

●Навоийдаги «Сардоба парранда» акциядорлик жамияти пархез гўшт ва туҳум ишлаб чиқариш суръатларини кенгайтирмоқда. Жумладан, Янги йил байрами арафасида фақат Тошкент шаҳридаги бозорларда корхонанинг 600 минг дондан ортиқ туҳумлари сотилди.

●Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги Ванғозий қишлоғида 20 минг аҳоли истиқомат қилади. Қуни кеча қишлоқнинг марказий кўчасида замонавий маҳалла гузари қад ростлади. Гузар комплексидан тикув цехи, сартарошхона, гўшт дўкони, телерадиоустахона ва маънавият хоналари ўрин олди.

●Избоскан туманининг Тўртқўл қишлоғидаги «Ank spinning co ltd» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасининг фаолият бошлаши билан 200 дан зиёд маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди. Қўшма корхона ҳар ойда 90 тоннагача ҳаҳон андозаларига мос калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу маҳсулотнинг деярли 95 фоизи экспорт қилинмоқда.

ЖАҲОНДА

●БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Луиз Арбур Ироқ ҳукуматида мурожаат қилиб, Саддам Ҳусайннинг икки сафдошини қатл этмасликка ҳаҳирди.

●Буюк Британия пойтахти Лондонда по-лоний-210 радиоактив моддаси билан заҳарланган яна 2 нафар киши аниқланди. Улар Millennium меҳмонхонасининг ходимлари бўлиб, ноябрь ойи охиридаги по-лоний-210дан заҳарланиб, ҳаҳтдан кўз юмган Россия маҳсулоти хизматининг собиқ ходими Александр Литвиненкога хизмат қилишган. Ҳозирга қадар Литвиненко билан учрашган 12 нафар кишининг юқоридаги радиоактив моддадан нурлангани аниқланган.

●Испаниядаги ЭТА айирмачилик ташкилотининг сиёсий қаноти бўлиши Батасуна партияси Испания ҳукумати билан тинчлик қилиши тўхтатилганини инкор этди.

●Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрини Хитроу аэропорти билан боғловчи йўлда кеча йўловчи автобусининг ағдарилиши оқибатида икки киши ҳаҳтдан кўз юмди, 20 га яқин йўловчи турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирда фалокат сабаблари аниқланмоқда.

●Хитой маъмурлари ноёб панда айғини бутунлай қирғилиб кетишдан сақлаш мақсадида хориж ҳайвонот боғларига юборишни таъқиқладилар. Аййтиш керакки Хитойда бу турдаги айиқлар омад ва тинчлик рамзи саналади, ҳатто, пандани ўлдирган одам қонунга биноан олий жазога ҳукм қилинади.

●Арктиканинг абадий музликлари кун сайин эриб бормоқда. Яқинда сунъий йўлдошдан олинган суратлардан аён бўлдики, Арктика музликларида пайдо бўлаётган улкан эриқлар сони кўпайиб кетган. Экологларнинг оғохлантиришича, агар об-ҳавонинг глобал иссиғига сабаб бўлаётган салбий омилларнинг олди олинмас экан, яқин 50 йил ичида сайёрамизнинг абадий музликлари деярли эриб тамом бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «АЗИЗА САЙФИ ҚИЗИ» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИГА ЎЗ БУЮРТМАСИ БИЛАН КЕЛГАН ҲАР БИР МИЖОЗ, АЛБАТТА ЖАМОА ЧЕВАРЛАРИ ХИЗМАТИДАН МАМНУН БЎЛИБ КЕТАДИ. БУНИНГ АСОСИЙ БОИСИ ТАДБИРКОР РАҲБАР АЗИЗА ФУЛОМОВНИНГ ЎЗ ВАЗИФАСИГА СИДҚИДИЛДАН ЁНДОШИШИ ҲАМДА ЖАМОА АҲЛИНИНГ ҲАМЖИХАТЛИГИ ВА МАВЖУД ИМКОНияТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШИДАДР.

Хусусий бизнес

БУЮРТМАЛАР ВАҚТИДА БАЖАРИМОҚДА



Бугунги кунга келиб хусусий корхонада 70 нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг баракали меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан замонавий тикув дастгоҳлари иш унумида, буюртмаларни сифатли ва ўз вақтида

адо этишда чеварларга мададкор бўлмоқда.

— Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, Президентимизнинг тадбиркорлик ривожига, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларига, уларни қўллаб-қувватлашга оид чиқарилган қатор Фармон ва Қарорлари бизга алоҳида куч-гайрат баҳш этди, — дейди Азиза Фуломова. — Агарда уларни муаммал ўрганиб, ҳуқуқий билимларингизни ошириб мақсадингиз сари дадил одимласангиз, ҳеч қачон ютқазмайсиз ҳам, қўқилмайсиз ҳам. Ўз миҳозларини қўлайитираман, буюртмачилар сафини кенгайтираман, деган тадбиркор, аввало сифатга эътибор қаратиши керак. Малакали чеварлардан жамланган жамоамиз аҳли ўз олди-га шундай мақсад қўйганки, шу боис ҳам бизга мурожаат қилган ҳар бир миҳознинг талаби ўрганилиб, буюртмаси эҳтиёжига қараб бажариб берилади. Маҳоратли бичкичи-модельерларимиз ҳам миллий, ҳам замонавий либослар яратишда изиланиш билан меҳнат қилишади. Шунингдек, ёшлардан шогирдлар

Қасқа сатрларда

●КИЗИЛ Ярим ой жамиятининг Мирзо Улугбек туман Кенгаши ҳамда «Улустон» маҳалласи фуқаролар йиғини ҳамкорликда ҳам таъминланган оилалар аъзоларига, ёлғиз қарияларга дори-дармон воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари туҳфа этилди.

●СЕРГЕЛИ туманидаги 33-ёрдамчи мактабда «Қамолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Ҳар доим «Қамолот» билан» лойиҳаси доирасида тадбир уюштирилди.

●СОБИР Раҳимов туманидаги 1-Муруват уйида «Қамолот» ЁИХ Сергели туман бўлими ташаббуси билан Янги йилга бағишлаб ўтказилган тадбирда тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирок этишди.

●ҚАМОЛОТ-дан Янги йил» лойиҳаси доирасида «Қамолот» ЁИХ Ҳамза туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан 30-Меҳрибонлик уйи, 52-ёрдамчи мактаб ва 103-мактаб-интернатларда ҳам байрам тадбирлари уюштирилди.

●ШАЙХОНТОХУР туманидаги «Янги Қамолон» маҳалласида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар ва Шайхонтохур туман бўлимлари ҳамкорликларида Янги йилга бағишлаб ўтказилган тадбирда кам таъминланган оилалар вакиллари, кексаларга Янги йил совғалари, болажонларга спорт анжомлари топширилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



ГЕРМАНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ ЯНГИ КИТОБ НАШР ЭТИЛДИ

ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА ГЕРМАНИЯДА НЕМИС ТИЛИДА «ЎЗБЕКИСТОН—МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 15 ЙИЛИ» ДЕБ НОМЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАР КИТОБИ ДУНЁ ЮЗИНИ КЎРДИ. У МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ГЎРДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ВА «ВОСТОК» ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИ ҲАМКОРЛИГИДА НАШР ЭТИЛДИ.

Мақсуд маълумотнома Германия сиёсий, ишбилармон ва илмий-маданий доиралари вакиллари, мамлакатшунос мутахассислар, мухтасар қилиб айтганда, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган. Китоб адади уч минг нусхани ташкил этади.

Нашр германиялик ўқувчиларга Ўзбекистонда олиб борилаётган туз ўзгаришлар, мустақил тараққиёт йилларида қўлга киритилган ютуқлар, Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги ҳамкорлиқни чуқурлаштириш учун ҳали ишга солинмаган салоҳияти билан таништириш имконини беради.

Икки юздан ортиқ саҳифадан иборат бўлган ушбу китоб етти бобдан ҳамда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти энциклопедиялари ва республика мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида нашр этилган «Ўзбекистон» фотоальбомидан жой олган Ўзбекистон ҳақидаги энг муҳим маълумотлардан ташкил топган.

Маълумотноманинг биринчи бобида Ўзбекистон тўғрисидаги умумий маълумотлар ўз ифодасини топган. Иккинчи боб эса «Тарих—минг йилдан зиёд» деб номланган. Унда бугунги Ўзбекистон ҳудудида қўнча даврларда бошланган цивилизация тарихи ва тараққиёти хусусида ҳикоя қилинади. «Замонавий Ўзбекистон—давлат, сиёсат, жамият» деб номланган учинчи бобда эса давлат қурилиши ва раъзмлари, сиёсий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш борасида қўлга киритилаётган, ютуқ муваффақиятлар, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Конституцияси тутган муҳим ўрин, мамлакатимиз парламентининг ривожланиши ҳақидаги батафсил маълумотлар ўз аксини топган.

«Ўзбекистон ва унинг минтақалари» номли тўртинчи боб республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлинишга бағишланган. Бешинчи боб «Иқтисодиёт» дея номланган бўлиб, унда иқтисодиётимизнинг ўсувчан тараққиёти одимлари ҳамда мамлакатда олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар мавзуси очиб берилади. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва бой табиий заҳиралари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ушбу бўлимдан ўрин олган. Унда, шунингдек, хорижий сармояларни жалб этиш учун мамлакатда яратилган қўлай шарт-шароитлар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

«Жамоатчилик ва ижтимоий ҳаёт» деб номланган олтинчи бобда эса республикадаги соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва диний тизим, бой сайёҳлик салоҳияти, спорт ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳақида сўз юритилади.

«Таълим ва фан» номли еттинчи бўлимда кадрлар тайёрлаш бўйича давлат дастурининг моҳияти ҳамда таълим тизимида олий борилаётган ислохотлар қўламлари ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади.

Сўнгги, саккизинчи бобдан эса мамлакатимизнинг «Маданий ҳаёт қирралари» жой олган.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Берлин

ШАРИФА ИЛІСОВА
СУРАТЛАРДА: Саодат Содикова ҳамда Жамила Шукуровалар таҳрибали чеварлар сираси-дан; тикувчи Тоҳирхон Исмолова сифатга алоҳида эътибор қаратади.
Ҳаҳимжон Солиҳов олган суратлар

ЮРТИМИЗДА ТУРЛИ МИЛЛАТ ВА ДИН ВАКИЛЛАРИ БИР ОИЛА
ФАРЗАНДЛАРИДЕК АҲИЛ ВА ИНОҚЛИҚДА ЯШАБ КЕЛМОҚДА. БУ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАШГА ҚАРАТИЛАЁТГАН АЛОҲИДА ЭЪТИБОР САМАРАСИДИР. БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА БИР ЮЗ ҲАММИЛЛАТ ВА ЭЛАТ ВАКИЛЛАРИ ҲАМЖИХАТ ВА АҲИЛЛИҚДА ЯШАБ, ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАННИ — ХАЛҚИМИЗГА ХОС БАҲРИКЕНГЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИДИР.

Изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ривожига юртимизда яшовчи барча миллат вакилларининг муносиб улуши бор. Бунинг асосида қарор қилинган мақсадларга яқин келган ҳолда маҳсулот тайёрлашди. Хусусий корхона тадбиркорларининг бу борадаги маҳорат ва гайратлари ўз муваффақиятларига гаров бўлмоқда.

— Миллатлар ва динлараро тутувлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳиллик барча миллат ва элатлар маданияти, урф-одатларига ҳурмат ва эҳтиром билан ёндашув юртимиздаги осойишталик ва тараққиётнинг бош омилларидандир, — дейди уюшма раҳбари Владимир Шин Уза муҳбирига. — Ватанимиз — Ўзбекистон истиқлолига тенгдош бўлган уюшмамиз ўз фаолиятини айнаш шу нуқтаи назардан олиб бораётди.

Бугунги кунда уюшма Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги ўғизга яқин қароқчи маданият марказини бирлаштирган. Ташкилот халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, қароқчи маданияти

Ўзбекистон — умумий уйимиз

ЯҲОНА ОИЛАДА

билан юртимизда истиқомат қилувчи бошқа миллатларни яқиндан таништириш мақсадида қўллаб маънавий-маърифий тадбирлар, фестиваллар, кўрик-танловлар, бадий кўргазмалар ўтказиб келаётди. Жумладан, «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Қудратимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Ягона оиладан» мавзусида маданият ва дўстлик фестиваллари, кечалари, иккунчи ўрашувлар, спорт мусобақаларини мунтазам ташкил этиш анъанага айланган. Уларда қароқчи фольклор ансамбллари, бадий жамоалари ранг-баранг мусиқий дастури билан иштирок этади.

Шу билан бирга, «Буюк Ипак йўли маданияти», «Буюк Ипак йўли мусиқа ва рақслари» мавзусидаги анжуманлар, концертлар, кўргазмалар нафақат қароқчи миллати, балки юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг ўзига хос урф-одатлари, кадрларини намойиш этишда муҳим аҳамият касб этди. Уюшмада энг улуғ ва энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллиги байрами, Ўқитувчи ва мураббийлар кун, Наврўз каби шодиёналарга атаб турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилиши билан биргаликда, қароқчи миллий байрамларини нишонлашга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Марказда ўзбек ва қароқчи тилларини пухта ўрганиш курсларининг йўлга қўйилгани икки халқ тарихи, маданияти ва гузал анъаналарини ўрганишда яхши самара бермоқда. Тинглов-



чилар олган билимларини нотиклиқ санъати, интеллектуал беллашувлар, иншоолар танлови орқали намойиш этмоқдалар. Бундай машғулотларга ўқувчилар, талаба-ёшларнинг қизиқиши айниқса катта эканлиги эътиборлидир.

Шу кўнлари уюшмамизда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллигига ҳозирлик қилинмоқда. Шу мақсадда ўтказилажак катта концерт учун мусиқий дастур, турли кўргазмалар ташкил этишга тайёргарлик қилинган.

Буларнинг барчаси Ватанимиз Ўзбекистонда барча миллатларнинг ўз маданияти ва миллий қадриятларини ҳар жиҳатдан юксалтиришга оид ҳуқуқ ва имкониятлари амалда ифодасини топаётганидан яна бир далолатидир.

Назозат УСМОНОВА,
Уза мухбири
Муҳаммад АМИН олган сурат.

МАМЛАКАТИМИЗДА 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ОММАВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАДБИРЛАРИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгаши ва маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида ойлик доирасида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири пойтах-

14 январь — Ватан химоячилари куни

ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

тимизнинг Учтепа туманида бўлиб ўтди.

Жамоатчилик вакиллари, ҳарбийлар ва талаба ёшлар иштирок этган ушбу тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 31 октябрда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хиз-

матни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизими янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гап борди.

Бундай учрашувлар тизимда нафақат оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги доирасида, балки йил давомида мунтазам ўтказиш

йўлга қўйилган. Улар ёшларни ҳарбий ватанпарварлик, Ватанга ва истиклол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лицей ва ўрта махсус, касб-хунара коллежлари ўқувчиларининг Миробод туманидаги ўқув спорт техника клубида ўқ отиш, автомобилни бошқариш ҳамда шахмат-шашка бўйича ўтган мусобақасида эса ўнлаб йигит-қизлар мазкур соҳаларда ортиртган ўз маҳоратини намойиш этди.

Х.САЛИМОВ,
Ўза мухбири

Конун ва ижро

ЎЗ ВАҚТИДА ТўПАГАН ЯХШИ

СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ МАВҚЕИ ВА ОБРЎСИНИ ОШИРИШДА АВВАЛАМБОР УЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАРИНИНГ ЎЗ ВАҚТИДА ВА ТўЛИК ИЖРО ЭТИЛИШИ КАТТА АҲМИЯТГА ЭГА. АЛБАТТА, БУ СУД ИЖРОЧИЛАРИДАН МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБ ЭТАДИ.

Маълумки, қарздорларга суд қарори талабини ихтиёр равишда бажариш учун 5 кунгача мuddат берилди. Ушбу мuddатда қарздор томонидан талаб бажарилмаса, мажбурий ижро ҳаракатлари амалга оширилади. Бунда суд ижроси қонуннинг 82-моддасига асосан қарздорларни жаримага тортиши, мол-мулкни хатлаб со-тувга чиқариши, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган да-ромадларидан мажбурий ушлаб қолиш орқали қарзни ундириши мумкин.

Ақсарият ҳолларда суд қарорига беписандлик ижро ишини қийинлаштирмоқда. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»-ги қонун-нинг 46-, 47-моддаларига асосан суд бундай ҳолатлар-да мажбурий ижро ҳаракатларини амалга оширади. Яъни, қарз реализация қилиш йўли билан ундирилиши мумкин.

Масалан, Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўли-мига жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди то-монидан ўтган йилнинг 26 октябр кўни ижро варақаси келиб тушди. Унда қарздор С.Йўлдошевдан Н.Аҳмедов-вага 437 минг 720 сўм етказилган моддий зарарни ун-дириш белгиланган. Қарздорга қонунда белгиланган их-тиёрий 5 кунлик муҳлат берилди ва мол-мулкни хатлан-ди. Қарздор томонидан берилган ихтиёрий мuddатда қарз суммаси тўланмади. Натижада мажбурий ижро ҳаракати бошланди. Қарз суммаси қарздорнинг мол-мулкни хатлаш ва реализация қилиш йўли билан тўла қопланди.

Назаримизда, ҳар бир кишида аввало қонунга ҳур-мат бўлиши керак. Шундай экан ҳар бир фуқаро виждонан, ўз вақтида тўловларни амалга оширса, яъни қонунга бўйсунса, муаммоларнинг олдини олишга баҳоли- қуд-рат хисса қўшган бўлади.

Жалолиддин КАРИЕВ,
Баҳодир ТЎХТАЕВ,
Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари

Футбол

ТУРКИЯ КЛУБИДА ТўП СУРАДИ

ЖОРИЙ ЙИЛГИ МАВСУМИН ҚОЗОГИСТОН ЧЕМПИОНАТИДА ЯҚУНЛАГАН ҲАМЮРТИМИЗ, ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИГА НОМЗОД ЖАЪФАР ИРИСМЕТОВ КЕЛГУСИ ЙИЛИ ТУРКИЯ БИРИНЧИЛИГИДА ТўП СУРИШИ МУМКИН.

Гап шундаки, Туркия биринчилиги биринчи дивизи-он пешқадам жамоалари мутахассислари Ирисметовнинг ўйинларини синхронлаб ўрганишган ва уни ўз сафларида тўп суришини хошлашмоқда. Хозирча Жавфарнинг қайси клуб таркибиде ўйнаши номаълум. Бироқ, маълумотлар-га қараганда янги йилдан ҳамюртимиз ҳеч қандай си-новларсиз Туркия жамоаларидан бири шарафини ҳимоя қилади.


(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎБОНЛАР

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

ДУК «Сувсоз» трести шуни маълум қиладики, электр қуввати ва бошқа ре-сурслар нархи кўтарилганлиги сабабли 2007 йил 20 январдан бошлаб янги нар-хлар ўрнатилди: 1 м³ совуқ сув учун — 40 сўм, 1 м³ канализация учун—30 сўм (нархлар ҚҚСиз кўрсатилган).

КАБЕЛЬ - СИМ МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ-ЧИҚАРУВЧИ
“O‘ZKABEL” OAJ QK



Сизни чин қилади Сизни 2007 йил
Сизни тасвирлайди
Мустақил соғина, сизни Сизни ҳаётини ёр
бўлади.
Сизни тўлаб олинганда тўлақонлиқ!

Сизни йил эшик қўяди.
Ушбуни бахтга бўлади.
Ора-ўра-ўра бу йил.
Сўзсиз рўбига чиқарди!

Тошкент ш., Ф. Ҳўжаева кўч., 2. Тел./факс: (+99871) 162-02-86, 162-13-33
www.uzkabel.uz

КУТИЛМАГАН БАХТ

Автобусда бораётиб ўрта ёшли бир киши билан суҳбатлашиб қолдим. Гап орасида у «Отанон айтинг, ўттиз йил юз кўришмаган, - мутлақо беҳабар ақин бир кишинингиз топилиб, сизни учрашувга таклиф қилиб қолса, қан-дай ҳолатга тушардингиз?» деб сўраб қолди.

—Бунақасини бошдан кечирмаган-ман. Лекин ҳар қандай одам бундай кутилмаган бахтдан эсанкираб қоли-ши аниқ.

—Бугун мени чамамда ана шундай қувончи онлар кутиб турибди.

—Шунақа денг. Аввало бу бахт бил-лан табриклайман сизни. Энди иложи бўлса мақсадингизни аниқроқ ту-шунтирсангиз.

—Бунинг тарихи бироз узунроқда.

—Эшитамиз.

—Мен отам билан ўттиз йилдан бери кўришмаганман. У мени ёшли-гимда онам билан ташлаб кетган. Бу оилавий можааро-айрилиққа нима, ким сабаблгини ҳам билмайман. Ўшанда мен 5 ёшда эдим, йиллар ўтиб отам ҳақида онамдан сўраганим-

ишни билмай, бироз довдираб қол-дим. Кейин сўрадим:

—Отаннинг яшаш жойлари сизлар-да борми, ўзим истаб борсам?

—Энди бироз шошилмайсиз,—дей-ишди улар,—отангизнинг ўзларини шу ерга —Тошкентга таклиф этамиз. Иложи бўлса ақин навбатдаги кўрса-тувларимиздан бирида отангиз бил-лан учрашасизлар.

Яна бир нарсалар дейишди, алла нималарни сўраб-суриштиришди. Уларга нима деб жавоб қайтардим, аниқ эсимда йўқ. Очиғи, кутилмаган бахтдан бутунлай эсанкираб қолган эдим.

Кеча яна «Меҳр кўзда» кўрсатуви-дан ўйимизга кўнғироқ қилишиб сту-дияга таклиф этишди. Аниқини бил-мадиму, хойнаҳой бугун отам билан юз кўришас керак.

Шу ерда суҳбатимиз узилди. Ҳам-роҳимиз борар манзилига етган эди. Унга истаги ижобат бўлиб, муродга етишига тилак билдирдик. Йигит ми-натдорчилик билдириб автобусдан тушиб кетди.

Одамларга мана шундай қувончи кунларини, йўқотган ақинларини, ота-она, ака-ука, опа-сингилларини то-

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

да у: «Отанг ўлган» деб мужмал жа-воб берганди. Отаннинг онам билан жанжаллашиб ўйдан чиқиб кетган ўша кунни аниқ билсамда, бу ҳақда ор-тиққа савол билан онажонимга озор беришни истамадим. Яна бир нарса — отам мени сўнгги бор бағрига бо-сиб қучқлаб ўпгани, кўз ёш тўкиб «Хайр, ўғлим» дегани ёдимда қолган. 20 ёшимда онам вафот этди. Кўп ўтмай йўл тузиш баҳонасида эски уйимиз бўзилди. Мен оилам билан кўп қаватли уйлардан бирига кўчиб ўтдим. Шундан кейин отам бизни из-лаб келдики, йўқми бўнисидан бе-хабарман. Яқинда Ўзбекистон теле-видениесининг «Меҳр кўзда» деган кўрсатувида одам келиб кўни-қўшиллардан сўроқлаб уйимизни то-пибди. Меҳмонни уйга таклиф қил-дим. Қўсқа танишувдан сўнг у мени сўроқлаб кетди.

—Эгамбердиев Салимжон сизми-сиз?

—Ҳа мен, хизмат,—дедим бироз шошилиб.

—Отангизнинг отлари Эгамберди, шунақами?

—Шундай. Лекин у киши билан ўттиз йиллар чамаси кўришмаймиз, бор-йўқлигидан беҳабармиз.

—Отангиз ҳаёт, у Россиянинг Но-восибирск шаҳрида яшайди. Отангиз Москва телевидениесининг «Мени кутти!» деган кўрсатувида сизни то-пиш учун мактуб йўллаган экан. Кўрсатув ижодкорлари шу хатдаги манзилни топиб, аниқлаштириб бе-ришни биздан —«Меҳр кўзда» кўрса-тувидан илтимос қилишибди. Биз эски манзилингиз бўйича сўраб-су-риштирдик. Билсак, эски уйингиз бу-зилиб, янги уйга кўчиб ўтган экан-сизлар. Хуллас, сўроқлаб, ниҳоят сиз-ни топдик.

Бу янгиликни эшитиб нима дей-

ҲАР КИМГА ИНСОФ БЕРСИН

Бир яхшининг бир ёмони бор, де-ганларидек, Тошкент Тиббиёт ака-демияси ва касалхонаси жойлашган шифо марказига таширфимиздан но-хуш қайтдик. Нега дейсизми? Бунинг сабаби бор. Эштинг, ўша кўни бел-гиланган тиббий кўриқдан ўтиб Фо-робий кўчасига чиқдик. Ишчилар шаҳарчаси томон борадиган автобус-ни сўрасак, бекатдагилар:

—88-автобус боради, дейишди. Бекат очик, ўриндиқлар йўқ. Оёқ ости яхмалак. Бунинг устига қор ара-лаш ёмғир шивалаб ёғиб турибди. Кўзимиз автобус йўлига интизор. Оёқдан совуқ ўтди ҳамки, автобус-дан дарак бўлмади. Биз билан ёнма-ён автобус кутаётган икки нуруний қария тик оёқда туриб, чарчагандан-ми, ёки совуқ ўтдики, шикоятга ту-шиб кетишди.

—Бу бекатда қачон тартиб ўрна-тилар экан. Унинг усти қачон ёпи-либ, ўриндиқлар қўйилган. Ахир йўловчилар орасида кексалар, касал-лар борку.

—Бунинг устига автобусни кутиб чарчайсиз. Баъзида ярим соатлаб пой-лашга тўғри келади. Отақонлар билан суҳбатлашиб қол-дик.

—Эй, биродар, нимасини айта-сиз,— дейишди нолиб улар.— 88-автобуснинг йўли узок. «Олой» бо-зори билан Ибн Сино йўналиши бўйича катнайди. Лекин бу манзилда юрадинан автобуслар камми, билмай-

лон бўйлаб юришга қийналаётган-дир, шуни учун ҳар бекатда йўлов-чилардан йўл ҳақини олиб қолаёт-гандир деб ўйладик. Автобус Қора-сарой бекатидан ўтгандан кейин анча бўшаб қолди. Шундай бўлса-да чи-птачи жойидан жилмади. Яна ўша ҳолат. Ҳар бекатда тушиб йўловчи-лардан пул йиғаверди.

Қачонки автобус Амир Темур кўча-сига чиқиб «Геологоразведка» бека-тида тўхтагандан кейин биз салон-дан тушдик.

—Чипта пулини тўланглар,— деди аёл биз тушаётган орқа эшикка рўпа-ра келиб. Ойлик чиптаимиз борлиғи-ни айтдик.

—Кўрсатинглар,— деди аёл ти-қилинч қилиб.

—Болам,— деди орамиздаги қариялардан бири,— наҳотки, биз-нинг ёшимиздаги кексаларнинг га-пига ҳам ишонмасангиз?

Кейин у ҳамини қавлаштириб йўл чиптасини олиб кўрсатди.

—Кексамми-ёшми, барибир чипта-сини кўрсатиши шарт,— деди аёл кабина томон йўл оларкан чимири-либ.

—Энди сиз айтдинг биродар,—деди ҳамроҳим йўлда менга муурожаат қилиб,— чипта бермай йўлгилётган бу пуллар давлат кассасига топши-рилармикан?

—Билмадим,— дедим мен ҳам иккиланиб,—ҳар қалай инсофни ўзига берсин.

Йўловчиларга чипта бермай пул ундирилаётган бундай ҳолатлар бо-шқа йўловчи транспортларда ҳам со-дир бўлиб турганлигини инобатга олиб, уларга ҳам ибрат бўлсин, де-ган мақсадда бу воқеани яширмай рўй-рост баён этдик. Лекин афсус-ки, автобус рақамини ёзиб олишни унутибмиз. Қолаверса гап эгасини топади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎБОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎБОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1.«Тошиссиққуввати» ИЧБ маълум қиладики, электр энергияси, таби-ий газ ва сотиб олинадиган иссиқлик учун нархлар ва тарифларнинг бир неча марта ошганлиги муносабати билан, 2007 йил 20 январдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергиясига тариф ҚҚСиз 11 640,0 сўм/Гкал миқдорида ва ҚҚС билан 13 968,0 сўм/Гкал миқдорида белгиланди.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

2.«Тошиссиққуввати» ИЧБ Тошкент шаҳар аҳолисининг эътиборига шуни етказадик, энергия узатувчи мухит ва сотиб олинадиган иссиқлик учун нархлар ва тарифларнинг бир неча марта ошганлиги муносабати билан, 2007 йил 20 январдан бошлаб мар-казлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун кўйидаги ойлик та-риф(нарх)лар белгиланади:

(турар жой майдони);

иссиқ сув таъминоти:

—ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда—1 893 сўм/киши/ой

—умумий чўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун—1 365 сўм/киши/ой;

—ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда—626 сўм/м³/ой меъёр (3,2 м³/киши) чегарасида, меъёрдан ортиқ истеъмол қилин-ганда 696 сўм/м³/ой.

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

МУЛКУ МАМЛАКАТ, СИПОХУ РАЙЯТ АҲВОЛИДАН ХАБАРДОР ВА ОГОҲ БўЛИБ ТУРИШ ТУЗУГИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).



Ҳар ерда, вилояту шаҳар ва ўрдууда кундалик воқеаларни ёзувчиларни¹ тайин қилсинларки, ҳокимлар, райят, сипоҳ, ўз лашкари ва ёт-лашкарнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин. Атрофдан қирган-чиққан мол-мулк, четдан қирган ва четга чиққан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган қаронлар ва ҳўқмдорлик ҳақидаги хабарлар, қўшни подшоҳлар, уларнинг гап-сўзлари, ишлари ва узок ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги сўзларни тўғрилик билан менга ёзиб турсинлар. Агар бунга хилоф иш тутгундай бўлсалар, [бўлиб ўтган] воқеаларни ёзмасалар, ёзувчининг хабар ёзган бармоқлари кесилсин. Агар хабар ёзувчи бирор сипоҳийнинг хизматини яширса, ёхуд хабарни бошқа либосга кийинтириб [ёлғон] ёзган бўлса, у ҳолда унинг қўлини кесинлар. Агар ёлғон хабарни тўхмат ёки қараз билан ёзган бўлса, уни қатл этсинлар ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кўнма-қўн, ҳафта-ҳафта, ойма-ой менинг арзимига етказиб турсинлар.

Амр қилдимки, мингта тезорар тўя минган, мингта от мин-ган олиб-югурувчи кишини чопқунчи, минг нафар тезорар пиедани [чопар] этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини, қўшни ҳўқмдорларнинг мақсад-лари ва ниятларини билиб, ҳўзуримга келиб, хабар қилсин-лар, токи бирон воқеа, қор-қол юз бермасидан бурун чора ва иложини қилайлик.

Чунончи, Тўхтамишхоннинг Ўрусхондан енгилгани ҳақида менга хабар келтирганлариде², энди панох излаб ҳўзуримга келишини билдим. [Шунинг учун] Ўрусхонга қарши жанг қилишга тайёрлана бошладим ва Тўхтамишхонга ёрдам бер-дим.

[Шунга ўхшаш] яна бир мисол Хиндистонни забт этиш учун йўлга чиққанмида³, бу ўлканинг ҳар бир вилотида ало-ҳида ҳоким ёки волий салтанат тахтида ўлтиргани ҳақида мен-га хабар келтирдилар. Чунончи, Мўлтон ўлкасида Маллухон-нинг иниси Соранг⁴, Деҳлида Султон Маҳмудхон салтанат байроғини ёйганди. Лоҳур⁵ ноҳиясида Маллухон лашкар тўла-ганди, Қўнуж⁶ вилотида бўлса Муборакхон салтанатга даъво-гарлик қилиб бош кўтарган эди. Қўсқаси, Хиндистоннинг ҳар бир вилотида бирон-бир кимса салтанат тожу тахтига даъво-гарлик қиларди. Бу хабар қўлуғимга етган, бу мамлакатни забт этишим осон туюлди. Чунончи, Хиндистонни забт этган вақтимда Рум қайсарни менинг баъзи мамлакатларимга чопқун қилгани, гуржилар бўлса ўз юрталари чегарасидан ташқари-чиқиб, менинг лашкарларим қамал қилиб турган баъзи қалъа-лар ичидаги одамларга ёрдам бераётгани ҳақида хабар кел-тирдилар. Ўз-ўзим билан кенгашиб, агар Хиндистонда кўпроқ туриб қолсам, Эрон мамлакатига ҳам тартибсизлик бошлан-иши мумкин, дедим. Шунинг учун Хиндистон пойтахтидаги иш-ларимни тезда тартибга келтириб, юриш бошладим. Йўлда бир неча кун Мовароуннаҳрда тўхтадим. У ердан Рум ва Гур-жистон томон йўл олдим. Ўша мамлакатларнинг барисини забт этдим.

ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАР АҲОЛИСИГА МУНОСАБАТ, УЛАРНИНГ АҲВОЛИДАН ХАБАРДОР БўЛИШ ҲАМДА АВЛИЁЛАР ВА ДИН ПЕШВОЛАРИНИНГ МОЗОРИНИНГ ТУЗАТИШ, ВАҚФ ВА НАЗР ИШЛАРИНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ ТУЗУГИ

Амр этдимки, фатҳ этилган ҳар бир мамлакатдаги сипоҳий-лар [ўз ихтиёрлари билан] панохимга келсалар, уларни на-вкар қилиб, [аскарларим орасидан] жой берсинлар. У диёр-нинг райятини ёмон ҳодисалардан, қатл эттиришдан, асирю банд этилишдан ва таланишдан муҳофиза қилсинлар. Улар-нинг мол-мулкни, буюмларини талон-тарождан сақласинлар. Ўша мамлакатдан тушган ўлжа молларни эгаларига қайтари-либ берилишини текширсинлар.

Сайидлар, уламо, машойих⁷, фузало, ақобир ва улўларни азиз тутсинлар. Беклар, оқсоқоллар, деҳқонлар ва экин май-донларига ишлов берувчилар қўнғилини ҳўшуд этиб, ўзларига қаратсинлар. Райятни умид ва қўрқин орасида тутсинлар. Гу-ноҳлари ва қилмишларига яраша жазоласинлар. Менга бўйсун-ган мамлакатларнинг сайидлари, олимлари, шайхлари, фозил кишилари, дарвишлари, зоҳидларини сўроғол, вафиза ва ойлик билан сийласинлар. Фақирю мискин, бирон касб қилишга ожиз шол-қўрларга нафақа белгиласинлар. Мудар-рислар ва шайхларга кундалик маошларини белгиласинлар.

Авлиёлар, дин пешволарининг мазорлари ва мақбарала-рига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни палос, таом ва чирок билан таъминласинлар. Биринчи навбатда амир ул-мўминин, мард кишилар шўхи Али ибн Абу Толйбининг, унга Оллохнинг қарами ва эҳсони бўлсин, муқаддас қабрларини яхши сақлаш учун Нажаф ва Ҳўлани вақф этиб берсинлар. Имом Ҳўсайнинг, Оллох ундан рози бўлсин, нурга чўмган муқаддас мазори, авлиёлар улўғи шайх Абдулқодир Жило-нийнинг⁸ муқаддас қабри, имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг, унга Оллохнинг раҳмати бўлсин, мақбарасини ва Бағдоддан нурга чўмган бошқа машойихлар, дин пешволари ва улўларнинг мазорларини яхши сақлаш учун баҳоли қудрат Қарбало, Бағ-дод ва уларнинг атрофидagi қишлоқлар ва бошқа жойлардан вақф сифатида ер-сув ажратсинлар. Имом Мусо Қозим⁹, имом Мўхаммад Нақий¹⁰, Салмон Форсийларнинг¹¹ нури равазлари учун эса ал-Жазоир экин майдонларидан ва Мадонинⁱ дарома-дидан вақф белгиласинлар. Имом Али ибн Мўсонинг¹² табар-руқ равазлари учун Қутаҳбаст ва Тўс шаҳри атрофидagi ерлардан вақф ажратсинлар ва палос, чирок ҳамда кундалик емиш-ичмишлар белгиласинлар. Шунингдек, Эрон ва Турон-даги шайхларнинг мазорлари ва қабрлари учун ҳар бирига алоҳида номма-ном назрро вақфлар ажратсинлар.

Яна буюрдимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилган, у ерининг гадоларини тўплаб, кундалик емиш-ичмишлар билан таъ-минлаб, уларга бирон иш берсинлар. Ҳамда барчаси тамға-лансинлар, токи бошқа гадодлик қилмасинлар Агар тамғадан кейин ҳам гадодлик қилгудек бўлсалар, уларни ўзоқ мамлакат-ларга сотиб юборсинлар, ёки ҳайдасинлар. Шундангача гадо зоти мамлакатидан йўқолади.

(Давоми бор).

1 Матнда «хабарнавис».
2 Гап 1376 йили Тўхтамишхон Ўрусхондан енгиллиб, Сама-рқандга келиши билан боғлиқ воқеалар устида бормоқда.
3 1398 йил апрелдан 1399 йил апрелгача.
4 Х.Соранг — гап Туглуқийлар сулоласидан бўлган Деҳли султони Маллухоннинг вазири, Мўлтон вилоти ҳокими ва султоннинг укаси Соранг ҳақида бормоқда.
5 Лоҳур — Панжобнинг марказий шаҳри.
6 Қўнуж — Хиндистоннинг қадимий шаҳри. Аградан шарқ-роқда. Жанубий Панчала дарёсининг irmoғида жойлашган; Гуҷарат пойтахти.
7 Машойих — бу ерда ер эгаси маъносидида.
8 Абдулқодир Жилоний — йирик мутаассаввўф олим; қоди-рия тариқатининг асосчиси (1166 й. вафот этган).
9 Имом Мусо Қозим — шиаларнинг еттинчи имоми (799 й. вафот этган).
10 Имом Мўхаммад Нақий — шиаларнинг ўнинчи имоми.
11 Салмон Форсий — Мўхаммад пайғамбарнинг эронлик саҳобаси (655 й. вафот этган).
12 Мадонин — Бағдоддан 65

ЭНЕРГЕТИКАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛАРИГА БАҒИШЛАДИ

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ға-саломлар билан ва ўз эътиборингизни бо

ЧОРШАНБА, 10

(Давоми 4-бетда)



(Давоми. Боши 3-бетда)

«Ёшлар»

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00, 19.30 «Севишганлар». Сериал.
8.35 Ватаним!
8.40 ТВ-банк.
8.50 Истикбол тимсоллари.
9.00 Давринг боласи.
9.15 Биз табиятни севадиз!
9.30 Шоҳсупа.
9.50 Болалар.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.

10.15, 16.15 Тафаккур нури.
10.20 «Мухаббат қаҳваси». Сериал.
11.00 «Ажиб оқшом-2».
13.15 Радиодан кўрсатмиз.
13.35 Давр мавзуси.
13.50, 21.10 «Мухаббат дардлари». Сериал.
14.30 Жаҳон киноси: «Пахмоқ ота».
16.20 Ёшлик наволари.
16.30 Таътил тўғриси: «Кай ва Герда». 2-қисм.
18.00 Меъёр солиқ гарови.
18.20 Мардлар кўриқлайди Ватаним!

18.30, 22.30 Янги наволар.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
20.10 Спорт-лото.
20.15 Автопарул.
20.35 Наво-SMS.
20.55 Ёшлар.
22.45 «Саломея». Сериал.

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?».

9.20, 18.05, 21.50 «Телекурёр-маркет».
9.40 «Согинч».
9.55, 20.50 «Репортаж».
10.05, 19.30 Музыка SMS.
10.25 Экран детям: «Инспектор Гажет».
12.05 Кино «Вабан».
17.55 М/ф «Приключения Леопольда».

18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Мисли гавхар».
20.20 «Звёзды мирового футбола». Док. фильм.
21.00 «Жоизба».
22.10 «Келажакка интилиб».
22.50 Кино «Железная маска».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 10.00, 12.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Детский спорт».
8.35, 18.15 Мультсериал.
9.05 «Малахов+».
10.20 Таъзия афтика. Первенство Узбекистана.
10.50 «Белоснежка и роза». Фильм.
12.10 «Патерка сильнейших».
12.50 «Вокруг света».
19.30 Звёздный час узбекского спорта. Доха - 2006.
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.35 «Гордость». Сериал.
21.50 Еврофутбол.

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро».
9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 23.30 Новости.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Вечный зов». Сериал.
11.00, 19.55 «Сёстры по крови». Сериал.
12.10 «Понять. Простить».
12.40 «Лолита. Без комплексов».
13.25 «Детективы».
14.25 «Контрольная закупка».
15.15 Вне закона. «Подкоп в преисподнюю».
15.50 «Любовь как любовь». Сериал.
16.55 «Федеральный судья».
18.20 «Пять минут до метро». Сериал.
19.10 «Пусть говорят».
21.00, 3.00 Время.
21.30 «Новый русский романс». Сериал.
22.30 Спецрасследование. «Роддом. Крылья черного аиста».
20.40 «Битва за космос». Фильм.
20.45 Фильм «Грязные престелсти».
2.30, 3.30 Триллер «Чужая игра».

«Россия»

5.00 «Доброе утро, Россия!».
8.45 «Нонна Мордюкова. Я вспоминаю...».
9.45, 13.45, 16.40, 19.40 Вести. Дежурная часть.
10.00, 11.50, 21.15 Телесериал «Вызов».
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.30, 14.20, 17.20 Местное время. Вести-Москва.
12.50 «Частная жизнь».
14.40 «Суд идёт».
16.00 «Кулагин и партнёры».
17.40 «Обречённая стать звездой». Телесериал.
18.40 «Волчица». Телесериал.
20.45 Местное время. Вести-Московская область.
21.05 «Спокойной ночи, малы».

ши».
23.15 «Первые на Марсе. Неспетая песня Сергея Королева».
00.15 «Вести».
00.35 Фильм «Хищники».
2.15 «Дорожный патруль».
2.30 «Горячая десятка».
3.25 Сериал «Закон и порядок».
4.10 Телесериал «Война в доме».
4.30 Канал «Евроньюс».

«НТВ»

6.00 «Сегодня утром».
9.05 «Наше все!».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Сегодня».
10.20 «Особо опасен!».
11.00 Сериал «Таксистка-3».
12.00 «Две правды».
13.30, 20.35 Сериал «Улицы разбитых фонарей».
14.35 Сериал «Внимание, говорит Москва!».
15.35, 18.30, 21.35, 5.45 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
16.35, 1.15 Сериал «Возвращение Мухтара-2».
19.35 Сериал «Врачебная тайна».
22.45 Сериал «Сталин. LIVE».
23.45 Сериал «Молодые и злые».
00.45 «Все сразу!».
2.55 Фильм «За пределами Рэнгун».
4.30 «Криминальная Россия».
5.00 Сериал «Центр Вселенной».

«ТВ-3»

8.00 Победоносный голос.
8.30 «Книга историй».
10.30, 15.30 «Комната смеха».
11.00 «Меткий бросок».
13.00 «Обратный отсчёт».
15.00 Скетч-шоу.
16.00 «Шахтёрская история».
18.00 «Четыре пера».
19.55, 20.50, 4.00 Киномания.
21.00 «Игра Джентельмена».
23.00 «Заложница».
2.00 «Гром в штабнах».
5.00 «Служители зла».
7.00 Релакс.

ПАЙШАНБА, 11**«Ўзбекистон»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40, 13.45 Олтин мерос.
8.50 «Юлдуз бўлиш осонмас». Бадий фильм.
10.30 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ — шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари».
Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.15 «Бизнинг кутубхона».
12.25 «Рақсинг сехри олами».
12.40 «Тўғри сўзинг тўғри».
Бадий фильм.
14.20 «Жилванмаган Африка».
Хужжатли фильм.
15.10 «Ватанпарвар».
16.10 «Бир асар тарихи».
16.30 «Болалар дунёси». «Эртаклар — яхиликка етаклар».
17.15 «Имконият».
17.35 «Умр мазмуни».
17.55 «Шифокор қабулида».
18.15 «Оханлар оғушида».
18.20 «Рангин дунё».
18.40 «Сардор». Телесериал.
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Хаёт гузал». Телесериал.
23.05 «Кўшигимсан, мухаббат».
23.15 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон ҳақида».

«Ёшлар»

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00, 19.30 «Севишганлар». Сериал.
8.35 Ватаним!
8.40 Автопарул.
9.00 Давринг боласи.
9.15 Биз табиятни севадиз!
9.30 У ким? Бу нима?
9.50 Болалар табассуми.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15, 16.15 Тафаккур нури.
10.20 «Мухаббат қаҳваси». Сериал.
11.00 «Ажиб оқшом-3».
13.15 Бурч ва шараф.
13.20 Мардлар кўриқлайди Ватаним!

13.30, 21.10 «Мухаббат дардлари». Сериал.
14.30 Жаҳон киноси: «Янги йил моҳариси».
16.20 «Yoshlar» да киш оқшомлари.
17.40 Чемпион силлари.
18.00 «Кулинг, қанин».
18.30, 22.30 Янги наволар.
18.45 Сифат белгиси.
18.55, 21.55 Иқлим.
20.10 Рўзгор мактаби.
20.30 Наво-SMS.
22.45 «Саломея».

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 12.00, 12.15, 18.25, 18.45,

20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?».
9.20, 18.05, 21.50 «Телекурёр-маркет».
9.40 «Келажакка интилиб».
9.55 «Мисли гавхар».
10.05, 19.30 Музыка SMS.
10.25 Экран детям: «Биби — маленькая волшебница».
12.05 «Интервью».
12.20 Кино «Железная маска».
17.55 М/ф «Приключения Леопольда».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Экономическое ревю».
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.00 «Жоизба».
22.10 «Юртим жамоли».
22.50 Кино «Агент Джонни инглиш».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 10.00, 12.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Детский спорт».
8.35, 18.15 Мультсериал.
9.05 «Малахов+».
10.20 «Патерка сильнейших».
11.00 Тенис.
12.10 Волейбол. Чемпионат Узбекистана. Женщины.
13.00 «Мониторинг».
19.10 «Мистер Бин».
20.00 «Вести».
20.20 «Восточные единоборства».
20.40 «Гордость».
21.50 «Беллашув».
22.50 Еврофутбол.

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро».
9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 23.30 Новости.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Вечный зов». Сериал.
11.00, 19.55 «Сёстры по крови».
Сериал.
12.10 «Понять. Простить».
12.40 «Лолита. Без комплексов».
13.25 «Детективы».
14.25 «Контрольная закупка».
15.15 Вне закона. «Криминальный участок».
15.50 «Любовь как любовь». Сериал.
16.55 «Федеральный судья».
18.20 «Пять минут до метро». Сериал.
19.10 «Пусть говорят».
21.00, 3.00 Время.
21.30 «Новый русский романс». Сериал.
22.30 «Мама вышла замуж».
23.40 «Битва за космос». Фильм.
00.40 Фильм «Чужие».
3.30 Сериал «Мёртвая зона».

«Россия»

5.00 «Доброе утро, Россия!».
8.45 «Гарем».
9.45, 13.45, 16.40, 19.40, Вести. Дежурная часть.
10.00, 11.50, 21.15 Телесериал «Вызов».
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.30, 14.20, 17.20 Местное время. Вести-Москва.
12.50 «Частная жизнь».
14.40 «Суд идёт».
16.00 «Кулагин и партнёры».
17.40 «Обречённая стать звездой».
Телесериал.
18.40 «Волчица». Телесериал.
20.45 Местное время. Вести-Московская область.
21.05 «Спокойной ночи, малыши!».
23.15 «Старые русские бабки. Никитична-Маврикевна».
00.10 «Зеркало».
00.30 «Вести».
00.50 Фильм «Усадьба Говардз Энд».
3.30 «Дорожный патруль».
3.45 Сериал «Закон и порядок».
4.30 Телесериал «Война в доме».

«НТВ»

6.00 «Сегодня утром».
9.05 «Наше все!».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Сегодня».
10.20 «Главная дорога».
11.00 Сериал «Таксистка-3».
12.00 «Две правды».
13.30, 20.35 Сериал «Улицы разбитых фонарей».
14.35 Сериал «Внимание, говорит Москва!».
15.35, 18.30, 21.35 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
16.35, 2.45 Сериал «Возвращение Мухтара-2».
19.35 Сериал «Врачебная тайна».
22.45 Сериал «Сталин. LIVE».
23.45 Сериал «Молодые и злые».
00.45 Фильм «Воры и проститутки».
4.20 «Криминальная Россия».
5.15 Сериал «Центр Вселенной».

«ТНТ»

5.45, 19.30, 00.30 «Москва: инструкция по применению».
6.10 «Любовь и тайны Сансет Бич». Теленовелла.
7.00 «Глобальные новости».
7.05 «Ракетная мощь».
7.30 «Дикая семейка Торнбер-маркет».

7.55 «Новая жизнь Рокко».
8.20 Наши песни.
9.00 «Замуж за миллионера».
Теленовелла.
10.00 «Голые стены».
11.00, 18.00, 18.30 «Счастливы вместе». Комедия.
12.00 «Даша-следопыт».
12.30 «Настоящие монстры».
13.00 «Как говорит Джинджер».
13.30, 19.00 Такси.
14.05 Деньги на проводе.
15.05, 2.30 «Домашняя война».
Комедия.
17.00, 21.00 Реалити-шоу «Дом-2. Про любовь».
20.00 «Клуб бывших жен».
22.00 Комедия «Комеди Клаб» на Паросе».
23.00 «Комеди Клаб».
40 лет спустя».
24.00 Реалити-шоу. Спецключе-ние «Дом-2. После заката».
1.05, 4.10 «Ночные игры».
1.30 Реалити-шоу «Дом-2. Любовь».
«Как все начиналось».

«ТВ-3»

8.00 Победоносный голос.
8.30 Российские мультфильмы.
9.00 «Обыкновенное чудо».
10.30, 15.30 «Комната смеха».
11.00 «Про Адама».
13.00 «Бабы лето».
15.00 Скетч-шоу.
16.00 «Удар молнии-2: разящие стрелы».
18.00 «Сабрина».
20.30, 1.00, 4.00 Киномания.
21.00 «Весна скорпиона».
23.00 «Охота на папараци».
2.00 «Студия 54».
5.00 «Прелюд».
7.00 Релакс.

ЖУМА, 12**«Ўзбекистон»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40, 13.45 Олтин мерос.
8.50 «Цирк, цирк, цирк».
«Фаррух ва Зумрад». М/ф.
9.30 «Дунё оханглари». Телевизи-он фестивалъ.
10.10 «Рангин дунё».
10.30 «Табаррук замин».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари».
Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўлкамизда киш».
12.10 «Мушкетёр». Бадий фильм.
14.20 «Жилванмаган Африка».
Хужжатли фильм.
15.10 «Отлар сўзи — ақлнинг кўзи» хазинасидан.
16.00 «Мардлар кўриқлайди Ватаним».
16.45 «Эртаклар — яхиликка етаклар».
17.15 «Саломатлик» дастури.
17.35 «Оханлар оғушида».
17.40 «Ижтимоий хизмат».
18.05 «Минг бир ривоят».
18.10 «Хидоят сари».
18.30 «Сардор». Телесериал.
19.15 «Бизнес англичлари».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Кўшигимсан, мухаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.10 «Хаёт гузал». Телесериал.

«Ёшлар»

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00, 19.30 «Севишганлар». Сериал.
8.35 Ватаним!
8.40 Чемпион силлари.
9.00 Давринг боласи.
9.15 Биз табиятни севадиз!
9.30 Болалар табассуми.
9.35 Усириллар симфонияси.
9.45 Хазина.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15, 16.15 Тафаккур нури.
10.20 «Мухаббат қаҳваси». Сериал.
11.00 «Ажиб оқшом-4».
13.15 Бурч ва шараф.
13.20 Меъёр солиқ гарови.
13.40 Нафосат олами.
13.50, 21.10 «Мухаббат дардлари». Сериал.
14.30 Интерфутбол.
16.20 Ватанпарвар.
17.20 Солик хизмати.
17.30 Хаёт кадри.
17.45 Киши кирк ёриб».
18.30, 22.30 Янги наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
20.10 Спорт-лото.
20.15 Дунё таомлари.
20.45 Наво-SMS.
20.55 Ёшлар.
22.45 «Саломея». Сериал.

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 10.00, 12.10, 18.25, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?».
9.20, 18.05, 21.50 «Телекурёр-маркет».

9.45, 19.30 Музыка SMS.
10.05 «Юртим жамоли».
10.25 Экран детям. «Снегурочка».
12.00 «Экономическое ревю».
12.15 Кино «Агент Джонни инглиш».
17.55 «Афиша».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.20 «Звёзды мирового футбола». Док. фильм.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жоизба».
22.10 «Истедод».
22.50 Кино «Ганнибал».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 10.00, 12.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Детский спорт».
8.35, 18.15 Мультсериал.
9.05 «Малахов+».
10.20 «Патерка сильнейших».
11.00 Ринг.
11.30 Волейбол. Чемпионат Узбекистана. Женщины.
12.10 Снукер.
19.05 «Поле чудес».
20.00 «Вести».
20.20 «Спорт — моя жизнь».
20.40 «Гордость». Сериал.
21.50 Смешное кино: «Идеальный муж».
23.10 Еврофутбол.

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро».
9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 23.30 Новости.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Вечный зов». Сериал.
11.00, 19.55 «Сёстры по крови».
Сериал.
12.10 «Понять. Простить».
12.40 «Лолита. Без комплексов».
13.25 «Детективы».
14.25 «Контрольная закупка».
15.15 Вне закона. «Дневное нападение».
15.50 «Любовь как любовь». Сериал.
16.55 «Федеральный судья».
18.20 «Пусть говорят».
19.05 «Поле чудес».
21.00, 3.00 Время.
21.25 «Я люблю тебя, жизнь».
23.30 Фильм «Хроники Риддика».
1.30, 3.25 Триллер «Мелкая рыба».
3.50 Комедия «Неудачник».

«Россия»

5.00 «Доброе утро, Россия!».
8.45 «Мой серебряный шар».
9.45 «Мусульмане».
10.00, 11.50, 21.15 Телесериал «Вызов».
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.30, 14.20, 17.20 Местное время.
12.50 «Ха».
13.00 «Городок».
13.30 «Вся Россия».
13.45, 16.40, 19.40 Дежурная часть.
14.40 «Суд идёт».
16.00 «Кулагин и партнёры».
17.40 «Обречённая стать звездой».
18.40 «Волчица».
20.45 Местное время.
21.05 «Спокойной ночи, малыши!».
23.15 Комедия.
1.15 Фильм «Остров доктора Моро».
3.15 «Дорожный патруль».
3.30 Сериал «Закон и порядок».
4.15 «Война в доме».
4.40 «Евроньюс».

«НТВ»

6.00 «Сегодня утром».
9.05 «Наше все!».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, «Сегодня».
10.20 «Особо опасен!».
11.00 Сериал «Таксистка-3».
12.00 «Две правды».
13.30, 20.35 Сериал «Улицы разбитых фонарей».
14.35 Сериал «Внимание, говорит Москва!».
15.30, 18.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
16.35, 1.10 Сериал «Возвращение Мухтара-2».
19.35 Сериал «Врачебная тайна».
21.30 Комедия «Полицейская академия».
23.25 Фильм «Евротур».
2.45 Комедия «Быть человеком».
4.45 Сериал «Центр Вселенной».

«ТВ-3»

8.00 Победоносный голос.
8.30 Мультфильмы.
9.00 «Обыкновенное чудо».
10.30 «Комната смеха».
11.00 «Полицейский по найму».
13.00 «Охота на папараци».
15.00 Скетч-шоу.
15.30 «Комната смеха».
16.00 «Бабы лето».
18.00 «При чём здесь любовь».
20.30, 00.45, 4.30 Киномания.
21.00 «Дэвид Копперфилд».
1.45 «Другое кино».
2.00 «Вальсирующие».
4.15 «Другое кино».
5.30 «Дамская комната».
7.00 Релакс.

ШАНБА, 13**«Ўзбекистон»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 14.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олтин тож». Телевизион уйин.
9.35 «Шифокор қабулида».
9.55 «Музыка дунёси».
10.15 «Рангинкамон».
«Дидар».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20, 20.10 «Оила ришталари».
12.00 «Янги оханлар».
12.25 «Нотаниш полон».
13.45 Ватан ҳақида кўшиқлар.
13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
14.20 «Калпок».
14.50 «Олтин бешик».
15.20 «Ўйла, Изла, Топ». Телемусобака.
16.20 Республика Мудофаа Вазирлиги Қуролли Қучлари Марказий ашула ва ракс ансамблининг концерти.
16.40 «Минг бир маслаҳат».
17.00 «Жиддий уйин». Ярим финал.
17.55 «Оханлар оғушида».
18.05 «Саломатлик силлари».
18.30 «Меҳр кўзда».
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Суперлото».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ёшлар.
20.05 «ТВ — шифокор».
21.40 Ватан химоячилари кўнига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
23.10 «Хаёт гузал». Телесериал.

«Ёшлар»

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00 «Севишганлар». Сериал.
8.35 Хаёт кадри.
8.50 Солик хизмати.
9.00 «Ортик» на клиникаси.
9.30 Юлдуз билан.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15, 16.15 Тафаккур нури.
10.20 «Мухаббат қаҳваси». Сериал.
11.00 «Ажиб оқшом-5».
13.15 Бурч ва шараф.
13.20 Дунё таомлари.
13.50 «Мухаб